

**ТАЛАБАЛАР ИЛМЙ ЖАМИЯТИНИНГ АНЪАНАВИЙ  
78-ИЛМЙ АНЖУМАН МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**



**“ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АХОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ  
МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ” ГА БАҒИШЛАНГАН  
ТАЛАБАЛАР ИЛМЙ ЖАМИЯТИНИНГ АНЪАНАВИЙ 78-ИЛМЙ  
АНЖУМАН МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ**

**28 май, 2021 йил  
Тошкент, Ўзбекистон**

ТАЛАБАЛАР ИЛМИЙ ЖАМИЯТИНИНГ АНЪАНАВИЙ  
78-ИЛМИЙ АНЖУМАН МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

Раис:

Н.А.Ақбаров

Аъзолар:

З.О.Юлдашев

Н.С.Нормахаматов

И.Б.Шерматова

БЎЛИМ РАИСЛАРИ:

Дори турлари технологияси бўлими раиси

Турғунов Жаҳонгир

Фармацевтика ишини ташкил қилиш бўлими раиси

Усмонова Зоя Рустамовна

Дори воситаларини стандартлаш ва Сифат менежменти ва

Фармацевтик кимё бўлими раиси

Шукурова Шаҳодат

Фармакогнозия ва токсикологик кимё бўлими раиси

Рохаталиева Мунира

Саноат фармацияси бўлими раиси

Назарқулов Мирсодиқ Санжар ўғли

Кимё фанлари бўлими раиси

Газиева Азиза Суннатовна

Тиббий-биологик фанлар бўлими раиси

Ҳабибуллаева Наргизаҳон Ҳамидулло қизи

Биотехнология, Физика, Математика ва Ахборот

технологиялар бўлими раиси

Синдаров Нодирбек

Тиллар бўлими раиси

Касимова Шурангиз

Ижтимоий фанлар бўлими раиси

Жумаева Барчиной

*Goshtlarni qo'llab-quvvatlash va aholi salomatligini mustahkamlash yili" ga bag'ishlangan  
talabalar ilmiy jamiyatining an'anaviy  
78-ilmiy anjuman materiallari to'plami*

PERSONAL  
USE ONLY  
FOR SCIENTIFIC  
AND EDUCATIONAL  
PURPOSES

ашёларидан дори воситаларини кенг миқёсда ишлаб чиқишдир. Тиббиёт амалиётига татбиқ этилган, чет эл препаратларини ўрнини босувчи ўсимликлар каторида бизнинг изланишимиз объекти бўлган - кийик ўти ер устки қисми (*Ziziphora Pedicellata Pazij et Vved*), тубулғибаргли бўймодарон ер устки қисми (*Achillea filipendulina L.*), чучукмия илдизи (*Glycythiza glabra L.*) дан олинган урологик йиғмадан тиндирма технологиясини ишлаб чиқиш долзарб вазифа бўлиб, унинг ечими тиббиёт амалиётида яллиғланишга қарши, буйрак тош касалликларида сийдик ҳайдовчи таъсирга эга бўлган маҳаллий дори воситаларини турини оширишга имкон беради.

**Ишнинг мақсади.** Урологик йиғмадан буйрак тош касалликларида яллиғланишга қарши ва сийдик ҳайдовчи таъсирга эга бўлган тиндирма технологиясини ишлаб чиниш илмий ишнинг асосий мақсади этиб белгиланди.

**Тадқиқот усуллари.** Тиндирма олишда тиндирмани турғунлигини таъминловчи ажратувчиларни танлаб олиш жуда муҳимдир. Урологик йиғмадан тиндирма олиш технологиясини ишлаб чиқишда “Перколяция”, “ВНИИФ” усуллари қўлланилди [1]. Экстрагент сифатида турли қувватдаги 20%, 40 %, 70 % ли этил спиртидан фойдаланиб тиндирма технологияси ишлаб чиқилди.

Тиндирмани стандартлаш ДФ XI нашрига асосан ва соха стандарти TSt 42-01:2002 “Дори воситаларининг сифат стандартлари” асосий ҳолатларига таяниб олиб борилди [2].

**Тадқиқот натижалар.** Тиндирма – тўқ жигар рангли, ўзига хос ҳид ва таъмга эга бўлган тиник суюқлик. Экстрагент сифатида 70 % ли этил спирти устун эканлиги аниқланди ва унинг зичлиги  $\rho=0,8791$  г, оғир металл тузлари 0,01% ни ташкил этди. Мақсадга мувофиқ деб, ВНИИФ усули танлаб олинди.

**Хулоса:** Урологик йиғмадан буйрак тош касалликларида яллиғланишга қарши ва сийдик ҳайдовчи таъсирга эга бўлган тиндирма технологиясини ишлаб чиқилди. Тиндирма ДФ XI нашри ва соха стандарти TSt 42- 01:2002 “Дори воситаларининг сифат стандартлари” асосий ҳолатларига асосланиб стандартланди: ташқи кўриниши, спирт зичлиги ва оғир металлари миқдори аниқланди.

#### Адабиётлар:

1. Шарипова И.Ш., Махмуджанова К.С.- Выбор оптимального метода получения настойки герани холмовой // Ўзбекистон Фармацевтик Хабарномаси 2013. №1. Б. 19-22
2. Стандарты качества лекарственных средств «Основные положения – TSt 42-01:2002»,- Ташкент, 2002 – 53 с.

#### ХОЛЕКАЛЬЦИФЕРОЛ СУБСТАНЦИЯСИНИНГ ТЕХНОЛОГИК ХОССАЛАРИНИ ЎРГАНИШ

З.Н.Шавқиева., А.Б.Юнусходжаев., Ф.Х.Максудова



## ТАЛАБАЛАР ИЛМИЙ ЖАМИЯТИНИНГ АНЪАНАВИЙ 78-ИЛМИЙ АНЖУМАН МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ

Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси  
e-mail: [firuza.maksudova@mail.ru](mailto:firuza.maksudova@mail.ru)  
тел: +998977197799

**Аннотация.** Холекальциферол субстанцияси асосида капсула дори шаклини яратиш мақсадида унинг технологик хоссалари ўрганилди. Олинган натижаларга асосан ушбу субстанция салбий технологик кўрсаткичларга эга эканлиги аниқланди ва ушбу субстанциядан қаттиқ дори шаклини яратишда ёрдамчи моддалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб белгиланди.

**Калит сўзлари:** капсула, субстанция, холекальциферол, технологик хоссалар.

**Мавзунинг долзарблиги.** Витаминлар барчамизга маълумки, сўнги йилларда инсон организмнинг функцияларини нормал бўлишида, турли хил касалликларни даволаш ва профилактикасида муҳим аҳамият касб этади. Яъни ҳар бир инсоннинг нормал ўсиши, ривожланиши, ҳаёт фаолиятининг бир меъёрида кечиши учун зарур ҳисобланади. Бундай субстанцияларга холекальциферол киради. Маълумки холекальциферол витамин моддалар гуруҳига кириб, инсон ҳаётида жуда катта аҳамиятга эга [2,3].

**Тадқиқот мақсади.** Ушбу холекальциферол субстанцияси асосида капсула дори турини яратиш мақсадида унинг технологик хоссалари аниқлаш ишнинг мақсади этиб белгиланди. Фракцион таркиб, сочилувчанлик, сочилувчан зичлик, табиий оғиш бурчаги, қолдиқ намлик каби технологик кўрсаткичлар аниқланди. Ушбу кўрсаткичлар меъёрий ҳужжатларда келтирилган усуллар орқали аниқланди.

**Тадқиқот натижалари:** Холекальциферол субстанциясининг технологик хоссаларини аниқлаш натижалари жадвалда келтирилган.

Жадвал

### Холекальциферол субстанциясининг технологик кўрсаткичлари

Аниқланган кўрсаткич	Ўлчов бирлиги	Олинган натижалар
Фракцион таркиб:	%	
-1000мкм +500мкм		4,95
-500мкм +250мкм		7,72
-250мкм +160 мкм		55,61
-160 мкм		31,72
Сочилувчанлик	$10^{-3}$ кг/с	0,839
Сочилувчан зичлик	г/см <sup>3</sup>	0,342
Табиий оғиш бурчаги	градус	62,6
Қолдиқ намлик	%	4,1

Жадвалда келтирилган натижаларга асосан таҳлил қилинаётган холекальциферол субстанцияси, ижобий бўлмаган технологик хоссаларга эга.

Унинг 75.5 % дан ошиқ миқдори -250 мкм дан кичик бўлган фракцияга тўғри келмоқда. Сочилувчанлик каби кўрсаткич  $0,839 \cdot 10^{-3}$  кг/с тенг бўлиб, салбий натижаларни кўрсатди. Сочилувчан зичлик ( $0,342 \text{ г/см}^3$ ), табиий оғиш бурчаги (62,6 градус) каби кўрсаткичлар ҳам ижобий бўлмади. Шу билан бирга қолдиқ намликка (4,1%) эгаллиги исботланди.

**Хулосалар:** Холекальциферол субстанцияси технологик хоссалари ижобий бўлмади, демак ушбу субстанциядан қаттиқ дори турларини ишлаб чиқишда ёрдамчи моддалардан фойдаланиш ва нам дондорлаш усулини қўллаш мақсадга мувофиқ.

**Адабиётлар рўйхати:**

1. Краснюк И.И., Тарасов В.В., Козлова Ж.М. Изучение влияния технологических параметров процесса получения массы для капсулирования с Тритиканом -Альфа//Медико-фармацевтический журнал “Пульс”.-2019.-Т.21.-№10.-С.131-137.
2. Поворознюк В.В., Резниченко Н.А., Майлян Э.А. Внескелетные эффекты витамин Д // “Боль. Суставы. Позвоночник”.-2014.-№1-2.-С.19-25.
3. Громова О.А., Торшин И.Ю., Фролова Д.Е., Лапочкина Н.П., Лиманова О.А. О противовирусных эффектах витамин Д // Медицинский совет.-2020.-№3.-С.152-158.

**ГЛАЦЕМБРИН КАПСУЛАСИНИНГ СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ  
АНИҚЛАШ**

**О.Эгамберганава, Ё.С.Кариева, Б.А.Абдурахманов**

Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси  
e-mail: [yosk@mai.ru](mailto:yosk@mai.ru)  
тел.: +998909599945

Дуккакдошлар (Fabaceae) оиласига мансуб қизилмия (*Glycyrrhiza glabra*) ўсимлиги Ўзбекистонда кенг тарқалган доривор ўсимликлардан бири бўлиб, бугунги кунда унинг илдизи дунёнинг кўпгина давлатларига экспорт қилинади. Аммо ушбу ўсимликнинг ер устки қисми флавоноидлар, ошловчи моддалар, полисахаридлар, витаминлар каби биологик фаол моддаларга бойлигига қарамадан бугунги кунда фойдаланилмайди [1].

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси акад. С.Ю.Юнусов номли Ўсимлик моддалари кимёси институтида қизилмия (*Glycyrrhiza glabra*) ўсимлигининг ер устки қисмидан пиноцембрин ва глабринин флавоноидлари ажратиб олинган. Олиб борилган фармакологик тадқиқотлар яллиғланишга қарши ҳамда сафро хайдовчи таъсирга эга глацембрин препаратини яратилишига сабаб бўлди [2,3].

Тошкент фармацевтика институтида глацембрин асосида капсула дори шакли